



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ

М.Бекмуродов, Ш.Содиқова

ЁШ ОИЛА УЧУН 80 САВОЛГА 80 ЖАВОБ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

М.Бекмуродов, Ш.Содиқова

**ЁШ ОИЛА УЧУН
80 САВОЛГА 80 ЖАВОБ**



Akademiya

Тошкент – 2019

М.Бекмуродов, Ш.Содиқова. Ёш оила учун 80 саволга 80 жавоб. Ўқув қўлланма. – Т.: “Akademiya”, 2019 й. 50 бет.

Такризчилар: пед.ф.д., проф. М.Куронов
ф.ф.д., проф. М.Нурматова

Мазкур қўлланма Фаргона вилояти Қўкон шаҳри ҳамда Наманган вилоятларида ўтказилган социологик тадқиқот асосида ўзбек оиласи, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги, хотин-қизлар, аёл маънавияти, фарзанд тарбияси, тарбиявий жараёнларга таъсир қилувчи оиладаги муҳит, ота-она, маросимлар, урф-одатларнинг ўрни ва роли, маҳалланинг фарзанд тарбиясидаги роли, кайнона-келин муносабатлари, аёллар орасидаги миграция, тадбиркорлик, китобхонлик, ноаъанавий либослар, боқимандалик, оилада зўравонлик ҳолатлари, эрта турмуш қуриш, ёшларда келажак режаларини тузиш, ёш оилалар билан ишлаш, миллий кадриятлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ҳамда тавсияларимизни жамлашга ҳаракат қилдик.

Ушбу рисола оила институтини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритиб келаятган хотин-қизлар ташкилотининг жойлардаги вакиллари, маҳалла институти фаоллари, отинойилар, турли нодавлат ташкилотлари ходимлари, тарғиботчилар, таълим-тарбия тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тингловчилар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек, барча фуқаролар учун мўлжалланган. Ўйлаймизки, ушбу фикр, мулоҳазалар ва тавсиялар сизларни ҳам безъятибор қолдирмайди.

23868

© ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА, 2019

КИРИШ

Бугунги кунда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳаёт сифатини янада ошириш, жумладан, маҳаллаларда профилактика ишларини ташкил этиш, оилаларни ўрганиш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини янада яхшилаш, ёшларда келажак мақсадларини шакллантириш, касб-ҳунарга ўргатиш ва уларнинг билим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу рисолада Фаргона вилояти Қўқон шаҳри ҳамда Наманган вилоятларида ўтказилган социологик тадқиқот асосида ўзбек оиласи, оила ва никоҳнинг муқаддаслиги, хотин-қизлар, аёл маънавияти, фарзанд тарбияси, тарбиявий жараёнларга таъсир қилувчи оиладаги муҳит, ота-она, маросимлар, урф-одатларнинг ўрни ва роли, маҳалланинг фарзанд тарбиясидаги роли, қайнона-келин муносабатлари, аёллар орасидаги миграция, тадбиркорлик, китобхонлик, ноъанавий либослар, боқимандалик, оилада зўравонлик ҳолатлари, эрта турмуш қуриш, ёшларда келажак режаларини тузиш, ёш оилалар билан ишлаш, миллий қадриятлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ҳамда тавсияларимизни жамлашга ҳаракат қилдик.

Бой маънавий меросимиз негизида оилага муносабат асосий ўрин эгаллайди. Агар оилага бўлган муносабатда миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланмасак, авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлай олмаймиз. Инсон яхши, мазмунли ва узоқ яшаши учун соғлом турмуш тарзини ташкил этишга интилиши зарурдир. Шу боисдан ҳам рисолада оила институтини мустаҳкамлаш, оилани маънавий соғломлаштириш, уни эъзозлаш, унда умр кечираётган кексалар, хотин-қизлар, ёшлар бир

бирини ҳурмат қилиши, уларнинг маънавият талаблари асосидаги турмуш шароитида яшашлари учун имконият яратиб бериш борасидаги фикрлар ва тавсиялар ўрин олган.

Рисолани яратишда мамлакатимизда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш борасида фаолият юритиб келаётган олимлар, педагог ва психологларнинг тадқиқотлари, оммавий ахборот воситалари ва интернет сайтлари маълумотларига таянилди.

Рисола оила институтини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритиб келаётган хотин-қизлар ташкилотининг жойлардаги вакиллари маҳалла фаоллари, отинойилар, турли нодавлат ташкилотлари ходимлари учун мўлжалланган. Ўйлаймизки, ушбу фикр, мулоҳазалар ва тавсиялар сизларни ҳам беъътибор қолдирмайди.

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИ

1. Маҳалла томонидан маънавияти юқори бўлмаган, таълим-тарбия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган оилаларга нисбатан қандай тарбиявий ёндашув зарур?

Маънавияти юқори бўлмаган оилаларда ўзаро ҳурмат ҳам, меҳр ҳам, адолат ҳам, тотувлик ҳам бўлмайди. Бундай оилалар маҳалла ёки мактаб ҳаётидан ўзларини узоқда тутиб юради. Ушбу характердаги оилалар билан амалга ошириладиган ишни даставвал уларни маҳалла ва жамоат ишларига жалб этиш ва имкони борича ижтимоий фаоллаштиришдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Одамларга аралашиб юриш ҳар қандай одамни ҳам аста-секин маънавий бойиш ва ижобий ўзгаришга олиб келади.

2. Китобхонлик маданиятини шакллантириш-нинг оилавий муносабатларга таъсири қандай?

- Китобхонлик маданияти шаклланган оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат каби эзгу хислатлар мавжуд бўлади;

- китоб ўқиш оила аъзоларида ўткир зеҳнлилик, ҳар қандай вазиятга босиқлик ва таҳлилий ёндашувни тарбиялайди, бу эса оилавий муносабатларда энг муҳим жихатлар ҳисобланади;

- китобхонлик маданияти оиладаги фарзандлар таълими ва тарбиясига ҳамиша ижобий таъсир ўтказди.

3. Ҳар бир оиланинг ўз анъаналари ва маърифати бўлиши керакми?

- Оилада маърифатга интилиш, фарзандларни илмга



чанқоқ этиб тарбиялаш оиланинг барқарор ривожини учун хизмат қилади;

- маърифати юқори оиланинг тотувлиги ва аҳиллиги барқарор бўлиб, ота ва она ўз фарзандларининг ҳаётий мақсадларини шакллантиришга ва эриштиришга ёрдам беради.

4. Қайноналик маърифати нималарда намоён бўлади?

Қайноналарнинг ўз келинларидан ҳар хил камчилик ва қусур ахтармасдан, уни ўз фарзандидай кўриб, билмаганини сабр-тоқат билан ўргатиб боришлари, камчиликларини юзига солавермасдан, яхши томонларини эслаб, рағбатлантириб туришларида қайноналик маърифати намоён бўлади.

5. Оилада тинчлик ва тотувликни таъминлаш учун нима ишлар қилиш керак?

- Оила тинчлигини таъминлаш, аввало, оила боши-эркак кишининг оиладаги ўрнига боғлиқ, оилада эрнинг, яъни отанинг назорати ва қарорлари қанчалик адолатли ва қатъий бўлса, оила аъзоларининг ҳаракатлари ҳам шунга муносабатан бўлади;

- оилада эр-хотин ўзаро ишонч ва ҳурмат, шунингдек, ҳамфикрлилик билан муносабатда бўлса, фарзандлар ҳам улардан ўрнак оладилар;

- оила тинчлигини таъминлашда, шунингдек, қайнона-келин муносабатларида ҳам эркак кишининг маълум мувоzanатни ушлаш олиши, ҳамжихатликни сақлаш билиши керак;

- оилада эрга эр сифатида, хотинга хотин сифатидаги меҳрини, ўзаро ҳурмат, ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш зарур.

6. Оила қадриятларининг устуворлиги нимада?

Оилавий муносабатларда қадриятлар муҳим аҳамиятга эга. Оилавий қадриятларни эъозлаган фарзандда оила ва ватанга муҳаббат туйғулари мукамал шакланган бўлади.

7. Ўзбек халқининг анъанавий, миллий фазилатлари атрофида бирлашиш оилани мустаҳкамлайдими?

Ўзбек халқи оилапарвар миллатдир, шундай экан, бундай фазилатлар бирламчи бўлган оилаларда миллийлик, ота-онага хурмат, андиша, аҳиллик ва ҳамжихатлик каби хислатлар мавжуд бўлади. Бу эса оила мустаҳкамлигини таъминлайди.

8. Ислом дини маърифати оилани нечоғлик мустаҳкамлайди?

Ислом дини оилапарвар маърифат манбаидир.

Ислом динида оила тушунчаси, эр-хотин муносабатлари қадрланади, диннинг устуни ҳам оилавий муносабатлардаги ҳалоллик, кенгфёғлик, кечиримлилик хислатларини улуғлашда намоён бўлади.

9. Таълим – тарбия омили кучайтирилишининг оилага таъсири қандай бўлади?

Таълим – тарбия фарзандлар келажагининг ривож учун муҳимдир. Бундай оилаларда узлуксиз ривожланиш ва тотувлик руҳи устувор бўлади.

10. Оилада қиз боланинг келин бўлиш тарбиясини қачон бошлаган яхши?

- Қиз болани болалиқдан оилага тайёрлаб бориш мақсадга мувофиқ,



онанинг ўзини ибрат намунаси сифатида тутиши, турмуш ўртоғи, қайнона-қайнота ва бошқа яқин қариндошларига нисбатан муносабатлари ва бошқа кўплаб омиллар қиз болани бевосита оилавий ҳаётга тайёрлаб боради, шундай экан, ҳар бир она ўзини тутишда, айтаётган ҳар бир гапи ва қарорларида қиз фарзанд улғайтираётганлигини инобатга олиши лозим;

- болалиқдан бошлаб қиз болани сепли бўлишга эмас, эпли бўлишга ўргатиш ижобий натижалар беради.

11. Ўғил боланинг куёв бўлиш тарбиясини қачон бошлаш керак?

- Ўғил бола тарбияни отасидан, унинг хатти-ҳаракатларидан олади, ҳар бир шахснинг характери ва ҳаёт тарзида албатта, ота характеридаги айрим элементлар мавжуд бўлади. Шу сабабли, ўғил болани ориятли ва ўзига ишонган шахс сифатида тайёрлаш ишларини унинг болалигидан бошлаш лозим;

- болалиқдан бошлаб аёлни кадрлаш уни моддий ва маънавий ҳимоя қила олиш тарбиясини бериш орқали.

ҚАЙНОНА ВА КЕЛИН МУНОСАБАТЛАРИ

12. Қайнона эгоизми нима?

Қайнона эгоизми ўзининг ҳақлигини ҳамиша устувор билиш, келиннинг ҳақлигини атайин тан олмаслик, ёш келиннинг ўғлига бўлган муҳаббатини эътиборга олмасликни англатади.



13. Миллий муносабатларда эгоизмнинг қандай таъсири бор?

Миллий муносабатлардаги эгоизм бошқа миллатлар расм-русум ва анъанларига нисбатан тенг кўз билан қараш эмас, балки фақат ўз халқига хос бўлган урф-одатларни турмуш тарзига сингдиришга бўлган уринишда намоён бўлади.

14. Қайнонанинг бош хатоси нимада?

- Келинни ўзининг фарзанди даражасида кўрмаслиги;
- келинни уй юмушларини бажарувчи ҳамда оила аъзоларига беминнат ва итоаткорона хизмат қилувчи шахс сифатида қабул қилиши;

- оилавий муносабатларни ўрнатишда келиннинг ҳам ўз фикри, дунёқараши ва эътиқодлари борлигини ҳисобга олмаслик.

15. Оилавий муносабатларда учинчи шахсларнинг (қайнона, қайнсингил, овсинлар) аралашуви қандай оқибатларни келтириб чиқаради?

- Оилавий ажримларга, эр-хотин муносабатларининг совишига олиб келади.

- эр-хотин орасига тушиш, бировнинг ишига аралашуш ахлоқсизлик ҳисобланади;

- яқин қариндошларнинг ҳар бир шахснинг ўз оилавий муносабатлари, муаммолари мавжудлиги ва уни шахснинг айнан ўзи томонидан ҳал этилиши лозимлигини тан олмаслик;

- ўзгаларнинг оилавий масалаларига ғийбат ва ҳасад сингари салбий ёндашувларни сингдириш орқали аралашуш турмушни бузишга олиб келиши;

- ҳар бир оиланинг маълум табиати, характери ва олами борлигини ҳисобга олмасдан баъзи таъсирли шахсларнинг эр-хотин муносабатларини ташқаридан туриб ҳал этишга уриниши;

- ота-она, қайнона-қайнота томонидан оила аъзоларига бир-бирига номутаносиб фикрларни уқтиришга ҳаракат қилиш;

- баъзи бир кўшни оиланинг бошқа оила аъзолари ўртасида бўлган келишмовчиликларни англаб англамасдан аралашуви ва муаммони бўрттириши;

- мамлакатимиз қонунчилигида оилавий ажрим ҳолатларига учинчи шахсларнинг аралашувига нисбатан қонуний чоралар кўриш тўғрисида аниқ кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги;

- оилавий муносабатлар тўғрисида фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси пастлиги ҳолатлари охиросида яхши ниятлар билан турмуш қурган ёшлар ҳаётини бузиш даражасидаги оқибатларни келтириб чиқаради.

16. Келиннинг онасининг ёш оилалардаги оилавий келишмовчиликларнинг келиб чиқишидаги роли қандай?

- Келиннинг онаси эндигина турмуш қурган ёшлар ҳаётига ортиқча аралашуви ҳаммиша хунук оқибатларни юзага келтиради. Шу боисдан ҳам келиннинг онаси қизига бўлган асл муносабатини маҳалладаги фаол аёллар томонидан таҳлил этиш керак.

- Ҳар бир ўзбек оиласида қиз фарзанднинг онаси ва бувиси (қайнона-келин) ўртасидаги муносабатларга қараб келажакда қандай яшаш тўғрисида хулоса чиқариши (аксарият ҳолларда салбий муносабатлардан)ни ҳисобга олиш ва унинг ушбу муносабатлар таъсиридан ҳам ижобий хулосалар чиқариш ва ибрат олиш, ҳам салбий муносабатларга нисбатан тўғри ёндашиш бўйича ўзида болалик ёшларидан бошлаб ўзини ҳимоя қила олиш инстинкти ва малакасини шакллантириш;

- оила қуриш арафасида турган ҳар қандай қизнинг онгида “қайнона” сўзининг салбий характер ифодаловчи сўз сифатида муҳрланганлиги ва бу фикрларнинг қизнинг онаси томонидан “Қайнона она бўлолмайди, келин қиз бўлолмайди”, деган гўёки халқ “мақоли”ни сингдириб бориш;

- қизнинг янгаси (акасининг умр йўлдоши)га нисбатан онасининг муносабатларидаги салбий хусусиятлардан хулоса чиқариш;

- қиз фарзандини бошқа оилага узатган онанинг ўша оилага нисбатан ички қизганиш туйғуларининг мавжуд бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш;

- Зигмунд Фрейд назариясига кўра, баъзи ҳолатларда она ўз қизига рақиб сифатида муносабатда бўлади. Бу рақиблик ошкора ва хуфёна тарзда намоён бўлиши кузатилган. Бундай муносабат ўзбек оилаларида учрамасада, дунёда шундай ёндашув ва талқин мавжудлигини эътиборга олиш.

17. Қандай ҳолатларда уйдаги гап кўчага чиқади?

- Оилада болалиқдан олинган тарбияда қиз боланинг барча эркаликларни кўтариб, унинг инжиқликлари бажариб келинган бўлса, келин характерида қийинчиликларга чидамсизлик ва тез таслим бўлиш каби хусусиятлар мавжуд бўлса;

- эр ёки хотиннинг ўзига ишончсизлиги, яъни оиладаги муаммо ва камчиликларни яқинларига ошкор қилиб, улар томонидан қўллаб-қувватланишни кутиш одатга айланиб қолган бўлса;

- ўз айбини яшириш ва турмуш ўртоғини айбдор кўрсатиш орқали ҳимояланиш шаклланган бўлса;

- эр-хотин муносабатларида меҳр кўзгуси синган ва қайнона – келин ўртасидаги алоқалар таранглашган бўлса.

18. Оила аъзолари ва қариндошларнинг бир-бирларига тақдим қилувчи совға-саломларининг оиладаги муносабатлар мустаҳкамлигига таъсири қандай бўлади?

Совға-хурмат рамзи, аммо у ҳада бермоқчи бўлган шахс томонидан чин дилдан ва самимий тақдим этилсагина, яхши муносабатларни ривожлантиради. Аксинча, оилавий муносабатларда совғалар қиммат бўлиб, шартлилик асосида берилган бўлса, охир-оқибатда муносабатларнинг дарз кетишига олиб келади.

19. Оилавий муносабатларда нима устувор бўлиши керак? Ҳурматми ё ҳиссиётми ёки олди-берди муносабатларими?

- Оилавий муносабатларда ўзаро меҳрли, ҳисоб-китобли ҳурмат ҳамиша устувор бўлиши керак;

- оилавий муносабатларда эр-хотиннинг қанчалик самимий эканлигига қараб туйғулар таснифланади:

- қайнона-қайнота ва яқин қариндошларга нисбатан аввало ҳурмат ва ўз навбатида меъёрдаги олди-берди муносабатлари;

- турмуш ўртоғига нисбатан ҳиссиёт ва ҳурмат туйғуларининг мейёрида бўлиши.

20. Меҳр нима?

- Инсонларнинг ўзаро ишончи, бир-бирига нисбатан илиқ муносабатлари натижаси;

- меҳр оқилона тарзда, чуқур мулоҳаза орқали амалга ошириладиган яхши муносабатдир.

21. Қайнона-келин “оғзи бирлиги” нима?

- Оилада қайнона томонидан келиннинг илиқ қабул қилиниши, унинг камчиликларини тузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиш, ўзаро бирдамлик, тушунувчанлик;

- қайнонанинг келинга ҳақиқий она бўлиши, келиннинг ўзини қиз сифатида ҳис этиши.

22. Қайнона билан келин ўртасидаги низоларнинг юзага келиш сабаблари нималар?

1) Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона – келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввур шаклланган бўлади. Айниқса, аксарият ёшлар қайнонани олдиндан фақат салбий шахс сифатида тасаввур қиладилар.

2) Қайнона-келиннинг дунёқараши ва уй-рўзгор тутишлари орасида келишмовчилик пайдо бўлади ва бу ҳолат вақт ўтган сари кескинлашади.

3) Баъзи келинлар келинлик ва оналик вазифаларини башаришга тайёр бўлмайдилар. Шундай келинлар бўладикки, улар на овқат қилиш, на кир ювиш, на катталар билан муомала қилишни биладилар.

ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

23. “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастурининг оилавий ҳаётдаги ўрни қандай?

- бу дастурда иштирок этадиган ҳар бир оила аъзолари ўзаро мустаҳкам алоқаларга эга бўлиб, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий боғланган бўлади;

- бу дастур оила мустаҳкамлиги ҳамда оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга;

- дастур оилаларнинг мустақил ҳаракат қилиши, ўз эҳтиёжларини қондириши, шунингдек, оила бюджетини ташкил қилиш ва ривожлантириши учун замин яратади.

24. Оиладаги иқтисодий етишмовчиликларнинг ўзаро муносабатларга таъсири қандай бўлади?



- Оилавий ажримларнинг аксарияти моддий етишмовчиликдан келиб чиқади. Бундай муаммолар ўзидан кейинги бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Иқтисодий етишмовчиликларнинг оилага қуйидагича таъсирларини келтириш мумкин:

- оила қурилганидан кейинги 3-5 йил давомида моддий эҳтиёжнинг ортиши (фарзандлар дунёга келиши билан боғлиқ);

- оилада эрнинг иш билан таъминланмаганлиги ва бунинг оқибатида оила аъзоларида норозилик ва ношукрлик кайфиятининг юзага келиши;

- оилада келиннинг янги оиладаги иқтисодий шароитларга кўника олмаслиги ва бунда томонлар ўртасида келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши;

- оила аъзолари (эр, қайнона-қайнота) томонидан келиннинг ишлашига рухсат берилмаслиги ва бунинг натижасида келиннинг мавжуд шароитдан қониқмаслик ҳамда қарамлик туйғуси билан ҳаёт кечиршидан ички норозилиги;

Агар келинда шукроналик туйғуси юқори даражада тарбияланган бўлса, янги оилада юзага келувчи иқтисодий етишмовчиликлар муаммо сифатида ташқарига чикмайди.

25. Тўйларнинг катта ва дабдабали қилиниши қандай оқибатларга олиб келади?

- Дабдабали тўй ўтказган оила катта моддий қийинчилик ҳолатига келиб қолиши мумкин ва бу янги қурилган оиланинг кейинги ҳаёти учун салбий таъсирини кўрсатади;

- тўйдан кейинги келин ёки куёвнинг саломатлиги, эҳтиёжларининг қондирилиши учун етарли маблағ бўлмаслиги оқибатида келишмовчиликлар юзага келади;

- тадқиқотларга кўра, меъёрдан ортиқ даражада қилинган тўйлардан сўнг, келин-куёвлар ўртасида энг кўп ажрим ҳолатлари кузатилади.

26. Оилада умумий бюджет бўлиши керакми?

- Мутахассисларнинг фикрича, оила даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатликни сақлаш, маданий дам олиш даражасини ташкил этиш каби имкониятлари шунча юқори бўлади. Бунинг учун фақатгина самарали меҳнат қилиб, мўмай даромад топиш эмас, балки ҳалол ризқ билан топилган даромадни режали сарфлай олиш жуда муҳим.

Бир куни иш юзасидан яқин танишимнинг хонадонига борганимда унинг қўлида аллақандай ҳисоб-китобларга тўла дафтар борлигини кўриб, унинг қандай дафтар эканлиги билан қизиқдим. У эса секингина кулиб "Бу Фармонбибининг дафтари. Унга бир неча йиллардан бери оила бюджети учун сарф қилинган чикимлар ва барча даромадларни қанда қилмай ёзиб борамиз", деди. Бу оилани анчадан бери биламан. Опахон

шаҳримиз мактабларидан бирида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи эса саноат корхонасида пайвандчи, ўғиллари чиройли иморатлар кўтариб, хонадонларни замонавий усулда таъмирлаш билан шуғулланар, бўш вақтларида эса қамишдан бозор-ўчар учун мўлжалланган саватчалар тўқиб сотишар эди. Шу билан бирга шунча юмушдан ортиб, олий ўқув юртига тайёрлов курсига ҳам бориб, сабоқ олишга улгурар эди. Хонадон ҳам ниҳоятда шинам, ҳавас қилгулик. Уй эгаларининг меҳнат маҳсули бўлган мўъжазгина уй замонавий тарзда қурилиб, дид билан жиҳозланган. Айтиб ўтганимдек, оиланинг кундалик эҳтиёжлари, чиқимлар учун амалга оширилган харажатлар ҳисоб-китоб дафтарига ёзиб борилади. Хонадон бошлиғи ўзи ва ўғилларига ишга бориб келишлари учун ҳар бирига мўъжазгина велосипед харид қилган, улар саватларни буюртма асосида ўз эгаларига етказиб беришарди. Мана, сизга оила бюджетини мустаҳкамлашнинг яна бир сири. Бу билан йўл кира учун сарф қилинадиган маблағ тежалиб, бир йилда қанча фойда "ҳамён"га киради. Хонадон қатъий тартибига кўра, оила аъзолари топган маблағларини тийинигача оила бошлиғига олиб келиб беришар, беҳуда, бўлар-бўлмас нарсаларга пул сарф қилмас эди. Уй бекаси ҳам ўз навбатида, дам олиш кунлари ишдан сўнг хонадон томорқасида етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга олиб бориб сотар, томорқадан тушган даромад ҳам оила бюджетига киритилар эди. Табиийки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишга эҳтиёж йўқ, барчаси ўз томорқасидан олинар эди. Кечқурунлари эса қоидага кўра, хонадоннинг барча аъзолари китоб мутолааси билан машғул бўлиб, маданий ҳордиқ олишарди.

Уддабурон оила бошлиғи ва оқила уй бекасининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Йиллар ўтиб, оиланинг фаровонлиғи ва ақл билан олиб борилган “оилавий бюджет сиёсати” сабаб, бу хонадон маҳаллада ҳар томонлама ибратли оилага айланди. “Тежовғликнинг иши бежовғлик”, деганларидек, хонадон эгалари пешона тери эвазига йиллар давомида йиғилган маблағларига маҳалла аҳлига хизмат кўрсатадиган мўъжазгина хусусий дўкон бунёд этишди. Фарзандлар эса бирин-кетин олийгоҳ талабаларига айланиб, мулоҳазали ва энг муҳими, ҳаёт йўлларида қоқилмайдиган эпчил, тадбирли инсонларга айланишди.



Тадқиқотларда аниқланишича, аксарият оилалар оила бюджетини аниқ режалаштирмаганликлари боис, турмушда кутилмаган молиявий қийинчиликларга дуч келишади. Хўш, бундай вазиятларга дуч келмаслигимиз учун нима қилишимиз керак? Бу борада бизга оддий дафтар ва ручка ёрдамга келади. Агар оила бюджети йўлидаги барча харажатлар, даромад ва чиқимларни ҳар ой мобайнида унга қайд қилишни одат қилсангиз, рўзғор учун сарфланаётган пулларингизнинг миқдори ва нималарга сарф қилаётганлигини билиб оласиз. Бу эса албатта, оилавий бюджетингизни янада мустаҳкамлаб, келгусида ишларингизни тўғри режалаштиришга ёрдам беради.

НОАНЪАНАВИЙ ЛИБОСЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРИИ

27. Ноанъанавий

кийиниш тарзида миллийлик ва ахлоқийликнинг намоён бўлиши ҳамда унинг ижтимоий аҳамияти қандай бўлади?

- Бугунги кунда ноанъанавий кийинишнинг айнан ўзбек менталитетига хос бўлмаган йўналишларини

миллий услубга мослаштириш мақсадида ўзбек миллий матоларини замонавий услуб билан уйғунлаштириш урф бўлмоқда. Бу эса гарчи миллийликни бир қадар ифодаласа-да, ахлоқ меъёрларига ҳамиша ҳам мос келмаслиги мумкин.

- ноанъанавий либослар ахлоқийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин, аммо миллийликни сақлашга хизмат қилмайди.

28. Сизнингча, ҳижоб кийиш қайси миллат маданиятининг намоёниши ҳисобланади?

- Ҳижоб жазирама иссиқ ўлкалардаги аёлларнинг ўз хуснини иссиқдан сақлаш воситаси сифатида кўп асрлар мобайнида амал қилган ва амал қилиб келаётган Араб мамлакатларининг миллий кийиниш шакли сифатида намоён бўлади.

29. Баъзи оилалардаги қизларнинг ноанъанавий либосларга берилиб кетаётганлигининг сабаби нимада?

- Бугунги кунда ёшларнинг, айникса, қизларнинг ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланаётганлиги, бунинг



салбий таъсири сифатида турли ноанъанавий кийиниш услубларига бўлган хаваснинг ортиб бораётганлиги;

- қизлар орасида “идеал аёл” ёки “чин мўмин аёл” образи фақат ўта замонавий ҳамда ноанъанавий кийиниш услубида намоён бўлади, деган қарашларнинг авж олаётганлиги;

- оилада фарзандларнинг маънавияти ва кийиниш маданиятига ота-она ва маҳалла томонидан эътиборсизлик, кийинишда эстетик томондан эмас, балки “бугунги ёшлар ҳам яшасин-да” деган сохта “демократик” қарашлар билан ёндашувнинг устуворлиги;

- миллий брендларнинг замонавий ва миллий услубдаги кийимлар ишлаб чиқаришга қаратилган эътиборнинг сустлиги;

- халқимиз онгида атлас ва адрас матоларидан фақат тўй-хашам ва тадбирларга мўлжалланган кийимлар учун фойдаланилиш мумкин бўлган мато сифатидаги фикрнинг мустаҳкам муҳрланганлиги;

- сўнги 30-40 йиллар мобайнида миллий либосларнинг (атлас, адрас. дўппи) кадрият сифатида эъзозланмай қолаётганлигида.

МИГРАЦИЯНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

30. Ноқонуний миграция асаида хорижга борган аёллар ўзлари билан қандай касалликлар олиб келмоқда?

Жуда кўп ҳолларда жинсий алоқа йўли билан юктирилган касалликлар, шунингдек СПИД, сил, урологик ва бошқа касалликларни ўзлари билан юртимизга олиб келмоқдалар.



31. Турк ва Ҳиндистон сериалларини кўриш ҳамда мазкур мамлакатларга тижорат ва бошқа мақсадларда бориб келган аёлларга ушбу мамлакатларнинг таъсири қандай?

Ҳижобга берилиш, эр-хотин муносабатларида ўзини тутиб тура олмаслик, тез жаҳлдорлик ҳолатига ўтиш, аёллик ҳаёси ва ибосининг камайиши, бошқаларга тақлид қилиб, эҳтиёжларига сарфланадиган ҳаражатларни кескин оширишга мойиллик ва ҳ.к.

32. Ноқонуний ташқи меҳнат миграциясининг оилавий муносабатларга таъсири қандай бўлади?

- Тадқиқотлар ноқонуний миграция ҳолати мавжуд оилаларда ажримлар уч барабар юқорилигини кўрсатмоқда;

- ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси натижасида оилада эр-хотин, ота-фарзанд, она-фарзанд муносабатларига жиддий путур етади. Эр ёки хотиннинг узок вақт давомида бирга яшамаслиги оқибатида ўзаро ишончсизлик ва совуққонлик, фарзандлар тарбиясида эса тўлиқсизлик пайдо бўлади ва оилавий ажримларга сабаб бўлади.

ОИЛАДАГИ МУАММОВИЙ ВАЗИЯТЛАР

33. Аёл киши эрини аяб, у ишдан қайтганида унинг чарчаганини эътиборга олиб, оиладаги ички муаммоларни унга айтмаслиги, ҳалакит бермаслиги учун иложи борича болаларини ҳам унга кўрсатмаслиги ва шу тариқа турмуш ўртоғига алоҳида эътибор қаратиб иш тутиши тўғри усулми?



Бундай ёндашув охир оқибатда ижобий натижаларга олиб келмайди. Алоҳидаликка ўрганган эрга даставвал уйдаги шовқин, кейин кичик тартибсизликлар, ундан кейин хотинининг баъзи бир камчиликлари ҳам кўрина бошлайди. Эр-хотин ўртасидаги муносабатларда маълум масофа ва узилиш ҳолатлари шаклланади, кейинроқ эса отанинг ўз фарзандларига бўлган меҳри ҳам сусайиб, улар билан ўзаро узоқлашиш ҳолати юз беради, бу ҳатто оила бузилишига ҳам олиб келиши мумкин.

34. Баъзан эр-хотин ўртасида гина-кудрат, аразлашиш ҳолатлари пайдо бўлади. Бунинг натижасида эр ишга нонуштасиз кетиб қолиши ҳолатлари юз беради. Бундай пайтда аёл киши қандай иш тутиши лозим?

Бундай ҳолатларда аёл ҳеч қачон эр билан басма-бас иш тутмаслиги керак. Агар айб эридан бўлиб, аёл ўзининг норозилигини билдирмоқчи бўлса ҳам, барвақт туриб, анъана бўйича эрининг нонуштасини тайёрлаб, унга кўрсатадиган меҳрини яшириб иш тутиши маъқул. Маълумки, аёл киши ўз турмуш ўртоғидан аразлаганини турли усулларда кўрсата олади, масалан, маълум даражада масофа сақлаш, ортиқча илтифот кўрсатмаслик ва ҳ.к. Шу боисдан, аёл ўз эрига меҳр кўрсатишни тўхтатмаган ҳолда маълум вақт мобайнида ундан ўзини четроқда тутиб, муайян даражадаги масофани сақлаб турганда оиладаги барқарор муҳитнинг қайта тикланганлиги кўп марта тасдиқланган.

35. Оиладаги муносабатларда ўзаро ҳурмат ва меҳрлиликнинг ўрни қандай бўлади?

Оиладаги ҳамма нарсанинг негизини меҳр ва инсонийлик ташкил этиши зарур. Меҳр, ишонч ва соф инсонийлик муҳити мавжуд бўлса, оила аъзолари ҳамма

масалада муҳим нарсаларни кўришга одатланадилар, иккиламчи нарсаларга эса ортиқча эътибор бермасликка ва шукроналик ҳамда оила қадриятларини сақлашга, яъни борини авайлаб асрашга бўлган туйғу ҳамиша устувор бўлишига интиладилар.

36. Аёлнинг гапи фарзандлар томонидан қачон сўзсиз қабул қилинадиган бўлади?

- Қачон эр хотинининг фикрларини диққат билан тинглаб, маъқулласа ва қабул қилса;

- ота ўз фарзандларига “онанг хафа бўлмасин”, “она рози – пайғамбар рози”, “онангнинг дуосини олмай кўчага чиқма” сингари ибораларни тез-тез айтиб турса;

- оилада эркак киши бошқарувчи вазифасини бажарар экан, хотин бевосита унинг қарорларини ҳурмат билан амалга оширса, ўз фикр ва қарашларини турмуш ўртоғига оқилона босиқлик ва мантиқ билан етказа билиш салоҳиятига эга бўлганда;

- қачонки хотин эрини чин дилдан севиб, унга ҳамиша ён бериб, гапини маъқуллаган ҳолда оилани бошқаришдан тўхтамаса.

37. Эрнинг ўз хотинини севишини қандай билса бўлади?

- Хотинининг меҳнати ва меҳрини ўз фарзандлари ва бошқалар назарида кўпроқ қадрласа;

- оилада эр хотинига нисбатан алоҳида эътибори борлигини кўрсатса, оилавий муносабатларни ҳал этишда хотинининг фикрларини доимий равишда инобатга олса, эр-хотин ўртасидаги муносабатларни қадрият даражасига кўтара олса;

- эркак хотинида ўз онасига хос бўлган хусусиятларни топа олса.

38. Баъзан бирор бир арзирли сабабларсиз келиннинг ўз кизлик уйига кетиб қолиш ҳолатлари юз беради. Бундай ҳолатлар юз беришининг асосий сабаблари нималар?

- Ота-онанинг фарзандига оилавий муносабатлар ва ундаги қийинчиликлар, уларни енгшиш йўллари тўғрисида етарли таълим бера олмаганлиги;

- кизлик уйдагилар томонидан ўз фарзандининг эркалигини кўтариш одати ҳалигача давом этаётганлиги.

38. Қачон аёл қўшниси ёки яқинларига нолий бошлайди?

- турмуш ўртоғи томонидан етарлича эътиборни ҳис этмаса;

- аёл оилада ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олмай қолган бўлса;

- бошқалар олдида ўзининг айбсиз эканлигини исботлашга ўрганиб қолган бўлса;

- қўшнилар ва яқинларининг ҳимоясига мухтож бўлганида;

- оилада олган шукроналик тарбияси сует бўлса;

- эр ўзининг эрлик мажбуриятини бажаришда бефарқликка йўл қўйса.

39. Қачон уйда бола инжиқлик қилиш, кўп йиғлаб, хархаша қилишга мойил бўлади?

- фарзандга ота-она томонидан меҳр ва эътибор етишмаса;

- фарзанднинг соғлигига етарлича эътибор бўлмаса;

- боланинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги бўлган ғамхўрлик сует бўлса;

- эр-хотин орасида тотувлик йўқолган бўлса.

40. Қачон аёл кишида эрининг ҳар ишидан нуқсон топиш одати пайдо бўлади?

- аёл томонидан турмуш ўртоғига нисбатан меҳр-муҳаббат чуқур илдиз отмаган бўлса;

- эр-хотин ўртасида жиддий келишмовчиликлар мавжуд бўлса;

- эр ўз хотинини маънавий, рухий ва физиологик жиҳатдаги таъминотини безътибор қолдирган бўлса.

41. Овсинлар муносабатида нималарга аҳамият бериш лозим? (Бу ҳақда интернетда эълон қилинган қуйидаги ибратли тавсияларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Манба манзили қуйидаги: <http://olmaliqhayoti.uz/news/221.htm>).

Овсинлар учун ёзилмаган қоидалар нималардан иборат бўлиши керак?

• Одатда, овсинлар ўртасида рақобат бўлади. Бу табиий ҳол. Чунки овсинлар қайсингил ёки қайнукадан фаркли ўлароқ, қайнотаю қайнона олдида тенг ҳуқуқ ва мавқега эга АЁЛлардир. Ҳа-ҳа, айнан АЁЛлар! Улар шундай бир ҳилқатки, ҳар ерда, ҳар жабҳада беқиёс ва ягона бўлишни исташади. Шунданми, кундош кундошга пахта, овсин овсинга тош отади, деган мақол халқ орасида кўп тилга олинади. Модомики, шундай экан, бу рақобатнинг душманликка айланиб кетмаслиги, аксинча, оила яқдиллиги ва ҳамжиҳатлигини, турмуш тотувлигини таъминлайдиган кучга айланиши учун нима қилмоқ керак?

• Овсин – опа ёки сингил эмас!

• Билиб қўйган яхши: овсин — қариндош. У опа ёки сингил эмас! Табиийки, душман, деб ҳам бўлмайди. Шу боис унга ёвқараш ҳам, ўта яқинлашиб кетиш ҳам нотўғри. Овсин дугона бўлолмаслиги мумкин, бироқ қийин вазиятларда ёнингизда туриб беради. Ўзингиз ҳам биласизки, кичкинангиз дунёга келганида каттангизга

қараб турган, эрингизнинг иссиқ-совуғидан хабар олган, туғруқхонадан чиқадиган кунингиз югуриб-елиб кутиб олган овсинингиздир.

- Сирингизни бой берманг

• Тилга эҳтиёт бўлиш керак. Овсинингиз сизга кўнглини очиб, дардини айтса, ҳамдард бўлинг, аммо эвазига сиз ҳам дардингизни дастурхон қилманг. Негаки, у ўзининг айтганларини батамом унутиб, фақат сизнинг деганларингизни ёдда сақлаб қолиши ва бир куни уни сизга қарши қурол сифатида қўллаши ҳам мумкин.

- Ўчакишиб нима ҳам топардингиз?

• Баъзи овсинлар очиқ-ошкор рақобатлашишмаса-да, зимдан бир-бирларига қарши бўлишади. Овсиннинг қозонига билдирмай туз солиб қўйиш, дорга ёйиб қўйган кирларига кўл артиб кетиш каби “ҳазил”лар шулар жумласидандир. Сиз эса бундай пасткашликка асло қўл урманг. Сабр қилинг ёки тактикани ўзгартиринг, яъни овсинингизни тарбиялашнинг бошқа ўзига хос йўлини ўйлаб топинг. Токи, у кутилмаган яхши муносабатдан довдираб, қилаётган ишларидан уялиб қолсин.

- Жанжалга болалар сабабчи бўлмасин

• Шундай қилингики, болалар ўзаро низони сизнинг аралашувингизсиз ҳал қилишга ўрганишсин. Улар кунда уришса, сиз ҳам кунда орага тушиб, асабингизни бузавермайсиз-ку, ахир?!

- Чақмачақарликдан ёмони йўқ!

• Эрингиз ҳамда унинг қариндошларига овсинингизни ёмонламанг. У ғийбат қилган тақдирда ҳам, сиз унимақтаб тураверсангиз, ким яхши, сиз яхши бўласиз. Яна шуниси ҳам борки, қариндошларнинг овсинингиз билан муносабати илиқ бўлиши мумкин. Балки

қайнонгангизнинг унга меҳри бўлакчадир ёки эрингиз сизга уйлангунига қадар қилган яхшиликлари учун келинойисини ҳурмат қилар. Агар шундай бўлса, сиз овсинингизни ёмонлаб, унинг ўрнини эгаллай олмайсиз.

- Гийбатга не ҳожат?

- Тил — суяксиз. Бировнинг камчилигини муҳокама қилатуриб, ортиқча гапириб юбориш эҳтимоли катта. Бундай ҳолатда ютқазган сиз бўлишингиз мумкин. Тасаввур қилинг, овсинингизга қайнсинглингизнинг эри ўтли-шудли эмаслигини шунчаки гап орасида қистириб ўтдингиз. Орадан уч кун ўтмай, қайнсинглингиз: «Нега эримни ёмонладинг?», деб бошингизга келиши ҳеч гап эмас.

- Ҳар кимнинг ўз дахлсиз ҳудуди бор

- Сарҳадларингизни яхшилаб қўриқлаганингиз ҳолда овсинингизнинг ҳудудига ҳам дахл қилманг. Масалан, бир ҳовлида турадиган овсинларнинг алоҳида-алоҳида супургисию чанг артадиган латтаси бўлгани маъқул. Маиший техника ҳам битта қўлни яхши кўради. Кир ювиш машинаси, газ плитаси ёки микротўлқинли печ умумий бўлиши мумкин, аммо, чангюткич, фен, дазмол ва телевизор ҳар кимнинг ўзиники бўлиши мақсадга мувофиқ. Овсинингизнинг рўзғори бўлак бўлса, сиздан узоқда яшаса, уйига борадиган бўлсангиз, меҳмонлигингизни унутманг. Унинг жавонлари, ошхонаси ёки музлаткичига зинҳор бурун суқманг.

- Қайноға — оға эмас!

- Айрим келинлар қайнисини ёки қайноғасини билан ҳаддан ортиқ яқин бўлгани, яъни уларни акаси ё укасидек кўргани хотинларига ёқмайди. Чунки ҳар бир аёл эрининг ҳаётида муҳим ўрин тутадиган шахс бўлишни истайди.

Турмуш ўртоғига яқин бўлган ҳар бир аёлни душмандек қабул қилади. Бу табиий ҳол. Тасаввур қилинг, сиз эрингизнинг айна дамда қаердалигини билмайсиз, овсинингиз эса билади. Сизга оғир ботадами? Демак, пичокни ўзингизга ур, огримаса бировга, деганларидек, қайнингиз ё қайноғанингиз ҳақида овсинингиздан ортиқроқ бирор маълумот билсангиз, ичингизда сақланг. Унутманг, унинг хотини бор, сиз эса шунчаки қариндошсиз. Танганинг бошқа томони ҳам бор. Агар қайнингиз ёки қайноғанингиз билан муносабатингиз ёмон бўлса, овсинингиз орқали уни яхшилашга ҳаракат қилинг. От қаёққа йўрғаласа, арава ҳам шу томон йўл олади.

- Вазминлик — бебаҳо хусусият

- Бир кун келиб, барибир, низо чиқади. Олайлик, у сизнинг қайсидир гапингизни нотўғри тушунди ёки қайноғанингиз овсинингизни ҳадеб мақтайвергани гапингизга тегиб, унинг кўнглига қаттиқ ботадиган бирор гап айтиб юбордингиз. Сиз иккитани айтасиз, у ҳам учтани дейди. Қарабсизки, кечагина чакчақлашиб, норин тўғрашиб ўтирган овсинлар бугун бир-бирига ёв. Шу боис жанжал чиқмаслигига ҳаракат қилинг. Мабодо, муносабатлар мураккаб тус ола бошласа, ўзингизни босишга ва ортиқча сўзу хатти-ҳаракатлардан тийилишга интилинг. Чунки жаҳл келганида ақл кетади, эртага айтганларингизу қилганларингиздан уялиб қолманг.

- Нима эксанг, шуни ўрасан!

- Овсинингиз сизга қандай муносабатда бўлишини истасангиз, аввало, ўзингиз ҳам унга нисбатан шундай бўлинг. Овсинлар муносабатини ойнадаги аксга менгзаш мумкин. Зеро, нимаики қилсангиз, ўзингизга қайтади. Борди-ю, яхшиликларингиз ўрнига ёмонлик қайтаётгандек

туюлса, овсинингизнинг яхши томонларини, сизга қилган ёрдамларини эсланг. Агар овсинингиз чиндан ҳам яхшилиқни билмайдиган нонкўр бўлса, кунда жикиллашавермай, қайнота-қайнонанинг, эрининг, умуман уйнинг катталари билан маслаҳатлашиб, сизларни бир-бирингиздан узоқроқ тутишларини сўранг (масалан, бирингизни алоҳида уйга чиқариб юборишларини). Кунда жанжалларингиздан безор бўлган катталарнинг ўзи ҳам шундай қарорга келишлари мумкин. Унутманг, энг яхши овсин – олисдаги овсин. Аммо бўлак чиқиб кетаман, деб атайдан овсинингиз билан уришаверманг. Ўзингизнинг асабларингиз тамом бўлади, эрингиз уйдан беади, болаларингиз жонсарақ бўлиб қолади...

• Овсинлар – тақдирдош. Улар қанчалик иноқ бўлса, ака-укалар бир-бирига шунчалик яқин бўлади, оиладаги ўзаро ришталар мустаҳкамланади. Бундай уйғун муносабатлар эса фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир этиши, шубҳасиз. Хуллас, аҳилликда гап кўп!

ОИЛА ҚАДРИЯТЛАРИ

42. Оилавий қадриятлар қаторида келин учун биринчи 10 қадрият қатори қандай белгиланиши мақсадга мувофиқ?

Биринчи ўринда фарзанди, иккинчи ўринда эри, учинчи ўринда ўз отаси, тўртинчи ўринда ўз онаси, бешинчи ўринда қайнонаси, олтинчи ўринда қайнотаси, еттинчи ўринда куёвнинг яқин қариндошлари, саккизинчи ўринда ўз



қариндошлари, тўққизинчи ўринда қўшнилари, ўнинчи ўринда дўстлари, дугоналари, ҳамкасблари навбат асосида жой олгани мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

43. Оилавий кадриятларда куёв учун биринчи 10 кадрият катори қандай белгиланиши мақсадга мувофиқ?

Биринчи ўриндаги кадрият сифатида - фарзанди, иккинчи ўринда ўз онаси, учинчи ўринда ўз отаси, тўртинчи ўринда хотини, бешинчи ўринда ака-укалари, олтинчи ўринда қайнота ва қайнонаси, еттинчи ўринда яқин қариндошлари, сакқизинчи ўринда хотинининг қариндошлари, тўққизинчи ўринда қўшнилари, ўнинчи ўринда эса дўстлари, ҳамкасблари навбат билан жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

44. Оила муносабатлари мустақамланишида ақл билан иш тутишнинг ўрни қандай?

Бу борада атоқли педагог Абдулла Авлоний асаридан мулоҳаза келтирамиз: “Бир кун отамиз Одам алайҳис-саломга жаноб Ҳақ тарафидан ҳазрат Жаброил АҚЛ, ДИН ВА ҲАЁни келтуруб: “Аллоҳ таоло сизга бу уч нарсадан биринчи олуб қолурга сизни ихтиёрлик қилди. Хоҳлаганингизни олиб қолингиз, сизга ҳадядур”,-дедилар. Одам алайҳис-салом: “Ақлни ихтиёр қилдим”, деганларида, ҳазрат Жаброил Дин ила Ҳаёга боқуб: “Сизлар ўз жойингизга кетингиз. Одам сизларни қабул қилмади”,-десалар, алар: “жаноб Ҳақ Таолло бизларни, Ақл қайда бўлса, сизлар ҳам шунда бўлурсиз, деб амр қилган эди, бизлар Ақлдан айрилмасмиз”, - дедилар.

Мазкур ҳикоят оилавий муносабатларда ақлнинг нечоғли муҳим кадрият бўлиб, унинг дин ва ҳаё ҳам ақлга

тобе эканлигини англашга яққол мисол бўлади, деб ҳисоблаймиз

45. Оила тотувлигида сахийликнинг ўрни қандай?

Оила тотувлигида сахийлик барча ижобий фазилатлар ривожига кенг йўл очиб беради. Сахийлик илтифотни, илтифот одамлараро майлни, майл эса меҳр-муҳаббатни юзага келтириши сабабли фарзанд тарбиясида сахийликни болалиқдан бошлаб, узлуксиз тарбиялаб бориш катта ва муҳим аҳамият касб этади.

46. Оилада фикрлаш, тафаккур юритиш, мулоҳазакорлик асосида иш тутишга ўргатиш тарбиясининг ўрни ва роли қандай бўлиши керак?

Абдулла Авлонийнинг фикрига кўра, фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тарғиб қилиниб келган, педагогларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадир. Яхши фикр инсоннинг шарофатли, ғайратли бўлишига сабаб бўлади. Бу тарбия ўқитувчиларнинг ёрдамига юкори даражада муҳтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқ. Дарс ва тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, ҳар иккиси бир - биридан айрилмайдиган, бири бошқа бирининг вужуди билан боғланган жон билан тан кабидир.

47. Ўсмирлик даври нима учун “ўтиш даври” дейилади? Бу даврнинг “оғирлиги”, ўзига хослиги нима билан белгиланади?

Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмнинг жисмоний, жинсий, ахлоқий ва ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади ва уларнинг феъл-атворининг мазмун-моҳияти ҳам ўзгаради. Бу пайтда бола энди “бола” эмас ва шу билан бирга ҳали “катта” ҳам

эмас. Унинг ўз-ўзини баҳолаши, кадриятлари, кизиқишлари қайтадан шаклланишига алоҳида эътибор қаратиш зарурдир.

ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ

48. Жинсий балоғатга етиш нима ва у қандай амалга ошади?

Жинсий ривожланишнинг тезлашиши ва унинг юқори босқичга етиши жинсий балоғатга етиш даври, деб аталади. Қиз болаларда жинсий балоғатга етиш даври ўғил болаларга караганда 1-2 йил илгарилаб кетади. Бу даврда гипофоз ва қалқансимон безлар ажратиб чиқарадиган гармонлар таъсирида ўсмирларнинг бўйи ўсиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши, овознинг ўзгариши, мускул кучларининг ортиши, тана айрим қисмларини жун босиши, кўкрак безларининг ривожланиши кузатилади.

49. Жинсий тарбия нима?

Ҳар бир ота-она фарзанди ўсмир ёшига етганида жинсий тарбия ишларини олиб бориши талаб этилади. Ўсмир жинсий аъзолар тузилиши, хусусияти ва ишлаш фаолиятини билиши керак. Бундан ташқари, жинсий тарбияга ўзи ва ўзгаларга нисбатан ҳурмат, инсонлараро муносабатлар, аёл ва эркак орасидаги соғлом муносабатларни тарбиялаш зарур. Бу муносабатларга бўлажак жинсий шерикка нисбатан ҳурмат ва жинсий муносабатларда ўзаро меҳрли ҳис-туйғуларни ҳам тарбиялаш киради.

50. Жуда ёш пайтда ўғил уйлантириш ва келин қилиш қандай оқибатларга олиб келади?

Фарзандлар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб улгурмасидан туриб, уйлантириш ёки турмушга чиқариш, турмуш қурган ёшларнинг бир умр тузатиб бўлмайдиган оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бир мисол, Пойтахтимизнинг “Исломобод” маҳалласида бундан анча йиллар олдин икки бой-бадавлат маҳалладошлар қуда-анда бўлишди: бири ўн саккиз яшар қизини узатди. Катта тўю томошалар бўлиб, бир неча кун давом этди. Бир неча йил давомида келин-куёвлар иззатда бўлишди, гўё жаннатдагидек яшашди, ҳеч бир нарсадан камчилик йўқ. Келин институтга киритилиб қўйилди-ю, лекин ўқишга бормади – оғироёқ бўлиб қолган эди. Куёв ҳам университетдаги ўқишини ташлаб юборди. На касб ортгирди, на ҳунарли бўлди. Бой отаю, бадавлат қайнотанинг даврида чет эл русумидаги қора енгил машинасини миниб, даврон суриб юраверди. Бу борада беш йилда тўрт фарзандли – икки ўғил, икки қизли бўлишди – келин бир йилда икки марта: январда ва декабрда фарзанд кўрди. Гўдақлар она сутига тўймагани сабабли нимжон, касалманд. Келиннинг ҳуснига ҳам путур етди, юзларига билинар-билинемас ажинлар тушди, ўттизга етмай “ўтин” бўлиб қолди. Қаримсиқ бўлиб қолаётган хотинидан куёвнинг кўнгли совиб, кимгадир илакишаётгани ҳақида кўча-жойда гап тарқалди.

Бу орада йигитнинг отаси дунёдан ўтиб, йиғилган мол-дунё ҳам сарф этилиб тугади, Турмуш аравасини тортиш зарурати бошига тушганидан кейин йигит касби йўқлиги учун ҳам аввал қарзга ботди, ундан сўнг киракашлик қилди. Келин эса мактабга фаррош бўлиб ишга кирди. Ҳозирги пайтда бир вақтлар одамлар тилида бой-бадавлат бўлган бу оила кам таъминланган оилалар

сирасига киритилиб, маҳалла кўмагидан умидворлар рўйхатида турибди.

Шу боисдан ҳам, фарзандларнинг ўз аравасини ўзи бемалол торта олиш қувватига эга бўлмагунига қадар зинҳор мустақил оила қуришига йўл қўймаслик лозим

51. Яқин қариндошлар билан қуда бўлиш қандай оқибатларга олиб келади?

Яқин қариндошлар билан қуда бўлишнинг яхши - ёмонлиги борасида ҳали ҳам баҳсу мунозаралар бўлиб туради. Ҳолбуки бу масалага аллақачон катта нуқта қўйишнинг вақти етиб бўлган. Чорак аср аввал жуда катта бир тўй бўлди. Катта магазиннинг директори сингисининг қизини келин қилди, яъни, қиз тоғасига келин, йигит аммасига куёв бўлди, “Қўйнидан тўкилса - кўнжиги” қабилида иш тутилди. Ёш оила бешта фарзанд кўрди, тўрт киз, бир ўғил. Аввалига ака-сингил қудалар “яқин қариндошлараро никоҳдан соғлом фарзандлар туғилаверар экан, мана исботи”, деб қилмишларини оқлашди. Лекин орадан йиллар ўтгач, қон яқинлиги ўзининг салбий натижасини кўрсатди. Тўнғич қизда суяк мўртлиги касаллиги авж олиб, юролмай тўшакка михланиб қолди. Иккинчи қизни қарши қуда бўлиб, аммасининг ўғлига узатишган эди, икки уч йилдан бери фарзандлик бўлмагани учун ака-сингил ўртасида совуқчилик тушибди, деб эшитдик. Учинчи фарзанд – ўғлини уйлантирмоқчи эдилар, лекин келин топилмади, тушунган оилалар бу хонадонга қиз беришга чўчишди, сабаби – оиладаги бешинчи фарзанд – кенжа қизининг оёғи қийшайиб бораётган экан.

Бундай аянчли мисолларни келтирса, кети узилмайди. Дунёда яқин қариндошлар ўртасида никоҳ

қилишга тўла-тўқис барҳам берилиб бўлган. Эндиликда бу масала бўйича жиддий қарорлар қабул қилиш, жамоатчиликни фаоллаштириш, одамларнинг маънавиятини юксалтириш долзарб масала ҳисобланади.

АЁЛЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ

52. “Аёллар ташкилотлари” нима?

Жамият институтлари орасида аввало ўзлари аёллар масалалари билан шугулланишни танлаган уюшмаларни (масалан, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, “Тадбиркор аёл”



Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси, Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари), шунингдек, аёллар томонидан ташкил этилаётган ва бошқарилаётган ташкилотларни тушуниш мумкин.

53. Ўзбекистонда қанча аёллар ва оила масалаларига ихтисослашган Нодавлат нотижорат ташкилотлар бор?

- Республикада 500 дан ортиқ аёллар Нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) фаолият олиб боради.

Қуйидагилар уларнинг энг йириклари саналади:

- 207 та ҳудудий бўлинмаларга эга Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси: 14 та вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри миқёсида ва 193 та туман ва шаҳар миқёсида.

- 57 та ҳудудий бўлинмаларига эга “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси.

48. Ногирон аёлларни кўллаб-қувватлаш ташкилотлари борми?

- Ногирон аёллар ва оиласида ногирон бўлган аёлларни кўллаб-қувватлаш йўналишида Тошкент вилоятидаги “Опа-сингиллар” ННТ фаол иш олиб боради. Бу ташкилотнинг ходимлари ўз мақсадли гуруҳига консултатив кўмак кўрсатади, ногирон аёлларнинг даволаниш, ишга жойлашиш, касбий таълим олиш каби манфаатларини илгари суради.

54. Одам савдоси қурбони бўлган аёлларга кўмак берувчи махсус ташкилот борми?

Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш ва одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш билан фаол шугулланувчи қатор ННТлар бор. Масалан, Тошкентдаги “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот маркази тиббий, юридик, психологик ёрдам кўрсатиш билан бирга, одам савдосидан азият чеккан аёлларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш масалалари билан шугулланади. Марказ қошида “Ишонч телефонлари” ҳам ташкил этилган бўлиб, у орқали одам савдосини олдини олиш, қурбонларга ва уларнинг оилаларига ёрдам бериш мақсадида бепул ва конфиденциал бўлади.

НИКОҲ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

55. Никоҳ тушунчасининг маъно-мазмунини биласизми?

Никоҳ бу эркак ва аёлнинг ихтиёрий ҳамда ҳуқуқларининг тенглиги асосида оила тузиш ва эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаришга қаратилган иттифоқидир. Ўзбекистонда қонуний никоҳ тан олинади. Ҳозирги пайтда Европа,

Шимолий ва Жанубий Америкадаги қатор мамлакатлар, шунингдек, Осиё ва Африканинг айрим мамлакатларида қонуний эмас, балки фуқаровий



никоҳлар кенг расмга кирган. Бундай никоҳларда эр киши ҳам аёл ҳам ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди. Туғиладиган фарзандлар тарбияси масаласида юзага келадиган муаммолар фақат суд орқали ҳал этилади. Фуқаровий оилаларда катта бўладиган фарзандларда меҳр, садоқат, муҳаббат туйғулари етарли даражада шаклланмайди. Бундай тартибдаги никоҳлар ўзбек халқининг маънавиятига ҳам, менталитетига ҳам хос эмасдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда фактик никоҳ, яъни фуқароларни норасмий бирга яшаши, шунингдек, шаръий никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

56. Қандай ҳолатларда никоҳ тузиш шартлари бажарилган ҳисобланади?

Бўлажак эр-хотиннинг розилиги, бўлажак эр-хотиннинг никоҳ ёшига етганлиги, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги ҳолатларида никоҳ шартлари бажарилган бўлади.

57. Қачон никоҳ тузишга йўл қўйилмайди?

Агар никоҳланувчиларнинг лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлса; никоҳ туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилаётган бўлса; фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида тузилаётган бўлса; никоҳланувчилар насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндош бўлсалар; никоҳланувчилардан лоақал биттаси руҳият бузилиши сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб

топилган бўлса, никоҳдан олдин келин ва куёвнинг саломатлиги тиббий кўриқдан ўтказиш жароёнида ёшларнинг ўзаро оила қуришларига монелик қилувчи, соғлиққа доир жиддий камчилик ва қуқсонлар аниқланиб тегишли тартибдаги маълумотномалар берилган бўлса, никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

ОИЛА МОДЕЛЛАРИ

58. Деспотик оила тушунчасининг маъносини биласизми?

Эр-хотин ўртасида доимо бир томон насихат берувчи ва иккинчи томон насихат тингловчи бўлмаслиги лозим. Ҳар икки томон ҳам маслаҳат берувчи ва олувчи бўлиши лозим. Агар жуфтлар ўртасида бу каби адолат ўрнатилмаган бўлса, насихат берувчи томонни назорат қиладиган механизм шаклланмайди. У ўзини хатосиз ва нуқсонсиз кўра бошлайди. Бу эса оилани деспотик оилага айлантиради. Бундай оила шароитида улғайган аъзолар “итоатли киши” бўлиши мумкин, бироқ ўз шахсиятига ва дунёқарашига эга инсон бўлмайди.

59. Муносабатларни бузмаслик учун юзага келган асабий ҳолатда ҳукм чиқармасдан фикр билдириш мумкинми?

Оилада юзага келадиган асабий ҳолатларда

муносабатни муътадил сақлаш учун ҳукм чиқармасдан тавсиявий руҳда сўзлашиш, фикрларни турмуш ўртокка қисқа ва лўнда қилиб етказишга



ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар овқат ўз

вақтида тайёрланмаган бўлса, “сен масъулиятсизсан” дейиш бу ҳукм чиқаришдир.

60. Болани мустақил фикрлашга қандай ўргатиш мумкин?

Ўз-ўзини англашнинг дастлабки элементлари ҳам болаларда, оилада ота-она таъсири остида шаклланади. Болаларда ўз мавжуд ҳолатини шахсий имкониятлари билан таққослашга маълум бир намуна танлаб, унга интилишга тенглашишга ўргатиб бориш муҳим. Бола мустақил фикрга эга бўлиши ўз келажак режаларини туза олиши, маълум бир аниқ қарорлар қабул қилиши, шу билан бир қаторда ўтмишни ҳам таҳлил қилиб бориши лозим. Бу борада бола муваффақиятга эришса унда ўзига нисбатан ишонч ҳисси шаклланади.

61. “Анъанавий оила модели” нима?

“Анъанавий оила модели”да эркаклар ва аёлларнинг роли аниқ тақсимланган. Эркак – моддий ресурсларни яратувчи оила бошлиғи ва асосий қарорларни қабул қилади. Шу муносабат билан оила даражасида ролларнинг тақсимланиши содир бўлади. Аёл эркакка бўйсунди, у уй юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланади. Фарзандлар эса ота-оналарига бўйсундилар, ҳар қандай оила аъзосининг обрўси, унинг жинсига ва ёшига боғлиқ. Оилавий кадриятлар “ота-оналар - фарзандлар” ўртасидаги муносабатлари учун асос ҳисобланади.

62. “Замонавий оила модели” нима?

“Замонавий оила модели”да аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий мақомини ошириш оила доирасидаги роллар ва оила ҳаёти меъёрларининг ўзгаришига олиб келади. Ота-оналар касб карьераларини ва оилавий мажбуриятларини

биргаликда олиб борадилар. Болаларга эса тадбиркорлик ва мустақилликка интилиш сингдириб борилади.

63. Агар келин ўзбек қизи бўлса-ю, тожик, қирғиз ёки бошқа бир миллат оиласига турмушга чиққан бўлса, ёш келин ўз бахтини қандай сақлаши ва мустақамлаши мумкин?

Мабодо, киз бола бошқа миллат вакилига кўнгил кўйиб турмушга чиққан бўлса, ёки кизнинг ёхуд куёвнинг ота-онаси ташаббускор бўлиб шундай иш тутишган бўлса, келин ўзи борган оила таомили, урф-одатлари ҳамда тилини тез ва пухта ўзлаштириб олиши зарур. Зинҳор у одатларни қийслаб, “бизда ундай қилишар эди”, “бизда мана бундай бўлар эди”, деган гапларни айта кўрмаслиги шарт. Чунки, янги рўзгорда бошқа бир маданиятни ўзида ифодаловчи инсонга ётсираб қараш одати бўлади. Ана шу ётсираш бартараф этилса, келин ўз бахтини топиб, куёвни ҳам бахтиёр этиши муқаррардир.

64. Оилавий мулоқотнинг таркиби ва мазмунининг асосий йўналишларини биласизми?

Мулоқот шунчалик кўп қирралик жараён бўлиб, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар қиради:

А) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;

Б) индивидлар ўртасида ахборот алмашинуви жараёни;

В) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;

Г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;

Д) бир - бирига ҳамдардлик билдириш имконияти;



Е) шахсларнинг бир бирини тушуниш жараёни.

65. Халқимиз тарихида аёлларнинг ижтимоий мақоми ҳақида ёндашувлар қандай бўлган?

Аёл эркакнинг яхши, муносиб йўлдоши, у бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчидир. Буюк мутафаккир Ибн Синонинг эр-хотин муносабатлари хусусидаги фикрлари ҳам унинг даври учун ўта илғор ва аҳамиятли эди. У ўзининг “Оила хўжалиги” китобида аёллар ахлоқан энг мақбул, юқори сифатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади, Шу китобнинг “Аёлларнинг яхши фазилатлари” ҳақидаги бўлимида қуйидаги фазилатлар таъкидланади:

“Аёл ақлан доно, уятчан, иболи, ифбатли бўлиб, кўп гапирмаслиги лозим: у эрига бўйсинмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак инжик бўлмаслиги, ўз иффати ва обрўсини тўкмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор ҳиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим; ўз хулқ атвори билан ўз эрининг қалбида ҳадиксираш ҳиссига ўрин қолдирмаслик керак”. Ибн Сино. “Тадбири манзил”, 38-бет

66. Оилаларда кўп учрайдиган ижтимоий муаммоларни биласизми?

Бугунги кунда жамиятда, жумладан оилаларда содир бўлаётган муаммолар қуйидагилар:

1) Оилада хиёнат, ажралишларнинг кўпайиши;

2) Нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши, оиладаги болаларнинг аксарияти меҳр танқислиги шаклланиши ҳамда бунинг болалар келгуси ҳаётидаги салбий таъсир кўрсатиши.

3) Ўз жонига қасд қилиш (суицид)нинг кўпайиб бориши.

4) Гастарбайтерлик, меҳнат миграцияси оқибатида оила муҳитининг бузилиши.

5) Ота ёки онаси бўла туриб, муайян гуруҳ қатлам вакиллари болаларининг Меҳрибонлик уйларида тарбияланиши, яъни, Меҳрибонлик уйларида чин етимларнинг деярли йўқлиги.

6) Айрим кизларнинг 13-14 ёшдан бошлаб жинсий ҳаёт кечира бошлаши.

7) Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари-нинг маълум қисмида боқимандалик хусусиятларининг шаклланиши.

8) Оилада турли жинойтлар, шу жумладан, қотилликлар содир бўлаётгани.

9) Жамиятда, жумладан, оиладаги муносабатларда мулоқот маданияти даражасининг пасайиб кетганлиги.

67. Келинларнинг янги оилага мослашиши ҳолатини қандай тушунасиз?

Айрим келинларнинг янги борган оиласига мослашиши қийин бўлади, оқибатда қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Ҳар бир оиланинг ўзига хос муҳити, қонун-қоидалари, анъаналари, атрафда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари итушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Янги тушган келин ўзи билан ўзи туғилиб ўсган уйининг муҳитини, одат, кўникмаларини ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолатларда келин билан қайнонанинг оилавий турмуш тарзлари мос келмай қолади. Бундай ҳолатларда оилага яқин бўлган

обрў эътиборли шахсларнинг келиннинг янги оилага мослашиши бўйича малакали маслаҳатлари катта аҳамиятга эгадир.

68. Оиланинг мустаҳкамлигида маданий-ижтимоий омилнинг аҳамияти қандай бўлади?

Бўлажак келин-куёвларнинг ижтимоий келиб чиқишида ҳам, иқтисодий таъминланганликда ҳам бири-бирига муштарак бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Куёв маълумотли, маданиятли оиладан бўлиб, келин аксинча, деҳқон, ишчи ёки савдогар оиладан бўлса ёки эр-хотиндан бири шаҳардан, иккинчиси қишлоқдан бўлса, мазкур ижтимоий-маданий тафовут ҳам эр-хотин ўртасидаги ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Баъзи қайноналар ўғлини келинидан қизғонади ва оқибатда келини билан келишолмай қолади. Бундай низолар, одатда кам фарзандли ёки ёлғиз ўғил отасиз ўсган оилаларда кўпроқ учрайди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

69. Маҳаллаларда кам таъминланган оилаларга қандай ёрдам кўрсатиш керак?

Маҳаллада кам таъминланган оилаларга уларнинг ижтимоий ҳолати, салоҳияти, муайян касб-ҳунарга боғлиқлиги, қизиқишини ҳисобга олган ҳолда доимий иш, касаначилик ва бошқа машғулотлар билан таъминлаш, имкониятлардан келиб чиққан ҳолда имтиёзли банк кредитлари олиб беришга кўмаклашиш зарур. Шунингдек, зарур ҳолларда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сонли Қарори асосида жамоат ишларига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий

кўмак бериш тизими субсидиар йўналишда бўлишига йўл қўймаслик лозим. Субсидиар сиёсат шахсларни боқиманда бўлишлигига олиб келишини эътибордан соқит қилмаслик керак.

70. Судланган, жазони ўташ муассасаларидан қайтиб келган фуқароларга, хусусан аёлларга нисбатан қандай ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатиш керак деб ўйлайсиз?

Судланган, жазосини ўтаб келган фуқаролар билан турли суҳбатлар олиб бориш, уларни фикрларини эшитиш ва таҳлил қилиш салоҳиятидан келиб чиқиб мавжуд ҳолатда уларга мос бўлган иш жойлари белгилаш зарур.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган аёлларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш керак.

Аёлларнинг инсон манфаатларидан келиб чиқиб ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларга социал масалалари, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан маънавий ҳамда психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш лозим.

71. Ногиронлари бўлган фуқаролар билан қай тартибда иш олиб бориш керак деб ўйлайсиз?

- Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, яъни ногиронларга муносиб турмуш кечириш имкониятлари ва иш юритиш фаолияти чекланганлигини ҳисобга олиш

ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини ишга тушириш, шунингдек ногиронларга организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашига ва уларни протезлар ускуналари билан таъминлашга ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбий салоҳиятини тиклашга доир чора-тадбирлар тизимини амалда қўллаш;

- ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш;

- ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш;

- касб-ҳунар ва салоҳиятидан келиб чиқиш, моддий эҳтиёжларини қондириш, ногиронлик аравалари билан таъминлаш зарур.

ОИЛА ТАРБИЯСИ БОРАСИДА АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ЎГИТЛАРИ

72. Диёнат нима?

Диёнат Аллоҳ ҳузурига яқин қиладиган муқаддас эътиқоддир. Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, бундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тариқча фойда йўқдир.



73. Қаноат нима?

Қаноат деб Жаноби Ҳақ тарафидан ихсон бўлган ахволга етишдугимиз неъмату молга шукр, бошимизга келган фақир, мусибат, фалокатларга чидаб, сабр қилмоқни айтилуру. Қаноат ҳасад, тамаъ, ҳирс, хорлик каби иллатларнинг давоси, нафсимизнинг гиносидур.

74. Сабр нима?

Сабр деб бошимизга келган бало ва қазоларга чидамли бўлмақни айтилуру. Ҳар бир ишда сабр ва совуққонлик ила ҳаракат қилмақ лозимдур.

75. Ҳаққоният нима?

Ҳаққоният деб ишда тўғрилиқ, сўзда ростликни айтилуру. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур.

76. Садоқат нима?

Садоқат деб киши ўз вазифасини тўғрилиқ ила ишламақни айтилуру. Содик киши дин ва миллатига, ватан ва давлатига тўғрилиқ ила хизмат қилиб, ўбрў ва мукофотлар олуру. Садоқат гулшани саломат бўстони нажотдур. Садафдан инжу, илондан заҳар ҳосил бўлгани каби ростликдан фойда, хиёнатдан зарар ҳосил бўлуру. Жаноби Ҳақ содиқларни суяр, ёлғончиларни суймас. Тўғрилиқдан йўқолган киши йўқ, хиёнатдан йўқолганлар кўп. Ростлик ва хиёнат иккиси мос келма.

77. Адолат нима?

Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмақни айтилуру. Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишини ўзгаларга раво кўрмас.

78. Муҳаббат нима?

Муҳаббат деб бир нарсани суймакни айтилуру. Дунёдаги инсонлар меҳр ва муҳаббат соясида яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакға ғайрат ва жасорат қилолмас. Дунё неъматидан лаззат ололмас. Агар бир шогирд илм ва муаллимни суймаса, иштаҳа ила ўқимаса, мақсудига етолмас. Ер юзидаги инсонларни уришматалошмаларға қовушдирган, сийналарини душман ўкига нишона қилдурган нарса дин ва миллатларнинг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидур. Кишининг кеча ва кундуз тиндурмасдан кул каби меҳнат ва машаққатларға кўкрак беруи ишлатадурган нарса ватан ва бола-чақаларнинг меҳру муҳаббати эмасми? Куш яхши кўрган донасиға қизиқуб, тузоқға илиниб қолгани каби инсон суюкли нарсасиға бойлануб, асир бўлуб қолмоғи табиийдур.

79. Олиҳиммат нима?

Олиҳиммат деб дин ва миллатға фойдалиқ ишларни мол ва жон ила ишламакни айтилуру.

80. Жаҳолат нима?

Жаҳолат деб ўкумаган, билимсиз, ҳеч нарсаға тушунмайдурган нодонлиғни айтилуру. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлигидур. Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларини(нг) орасида хамир каби эзилгандек, аъфоли замимадан ҳам ўз нафсини(нг) ёқасини бўшатолмас. Илм ва маърифат соҳиблари, фазлу камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсани(нг) моҳиятини мушоҳада қилурға ақл ва фаросатлари етмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: 2-жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, ибратлар. //Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Нашрга тайёрл. ва сўзбоши муаллифи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни тузувчи: О.Тўлабоев. – Т.: “Маънавият”, 1998. 272-б. (“Истиклол қахрамонлари”)

2. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: 2-жилдлик. 2-жилд. Пандлар, ибратлар, хикоялар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Нашрга тайёрл. ва сўзбоши муаллифи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни тузувчи: О.Тўлабоев. – Т.: “Маънавият”, 1998. 304 б.- (“Истиклол қахрамонлари”)

3. Ўзбекистондаги аёллар ташкилотлари. - Тошкент: 2017 йил.

4. Оила ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий тартиби. Рисола. “Илмий техника ахбороти-пресс нашриёти”. - Тошкент: 2018 йил.

5. Акрамова Ф., Билолова З. Оилада келишмовчиликларни бартараф этиш психологияси. Услубий қўлланма. - Тошкент: РОИАМ, 2017 йил.

6. Умаров Б., Акрамова Ф. Оилада шахслараро муносабатларнинг оила мустаҳкам-лигига таъсири. – Т.: “Global Books”, 2017 йил.

7. Ташмухамедова Д., Каримова Д., Мавлянов Б. Ўзбекистонда замонавий оила. (Ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича). Илмий-услубий қўлланма. - Тошкент: 2018 йил.

8. Ўсмирлик даври ҳақида. Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2002.-16 б. Сарлавҳада: ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

9. Тўйларимиз маърифати. Рисола. – Тошкент, “Musiq” нашриёти, 2010 йил.

10. Исмоилов К.С., Абдурахмонова М.А. Суд томонидан оила муносабатлари тўғрисидаги ишларни кўришда фуқаролик йиғинларининг роли. Рисола. – Тошкент, РОИАМ, 2017-32 бет.

11. Ортиқова Д., Мамадалиева Х. Оилавий тадбиркорлик аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида. Рисола. Т.: РОИАМ, 2017. - 26 б.

12. Dugonalar журнали тақдимоти. Маросим дастури. 1/2018.

13. Ҳамидова М.Х. Соҳибқирон волидаси – Тегина Бегим Моҳ. – Т.: РОИАМ, 2017. – 35 б.

14. http://fikir.uz/blog/Gozallik_sirlari/ovsinlar-uchun-ezilmagan-10-oida.html

15. <http://olmaliqhayoti.uz/news/221.htm>.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Оила маънавияти ва маърифати.....	5
2. Қайнона ва келин муносабатлари.....	8
3. Иқтисодий муносабатларнинг оилавий ҳаётга таъсири.....	13
4. Ноанъанавий либосларнинг оилавий ҳаётдаги ўрни.....	18
5. Миграциянинг оилавий ҳаётга таъсири.....	19
6. Оиладаги муаммовий муносабатлар.....	20
7. Оила қадриятлари.....	28
8. Ёшларни оилага тайёрлаш.....	31
9. Аёллар ташкилотлари.....	34
10. Никоҳ ҳақида маълумотлар.....	35
11. Оила моделлари.....	37
12. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш.....	42
13. Оила тарбияси борасида Абдулла Авлоний ўғитлари.....	44
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	47

М.Бекмуродов, Ш.Содиқова

ЁШ ОИЛА УЧУН 80 САВОЛГА 80 ЖАВОБ

**Мухаррир: М.Абдуллаева
Техник муҳаррир: А.Юлдашев**

Нашр. лицен. АЛ № 232. 25.09.2013 й.
Босишга рухсат этилди. 27.03.2019 й.
Бичими 84x108 ^{1/16}. Офсет босма. Шартли босма табағи 3.0.
Адади: 100. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси босмахонасида чоп этилди.
Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й. Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45.

